



TURKISTAN

Жанубий

ҚОЗОҒИСТОН

janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2024 йил 26 сентябрь, пайшанба, №109 (3455).

»» Президент

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ – ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТИ

Йиғилишда Олий суд кенгаши фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари, хусусан, судьялар корпусини мустаҳкамлаш ва янгилаш, Одил судлов академиясини ривожлантириш, судьяларнинг интизомий масъулиятини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Дмитрий Малахов Олий суд кенгашининг роли кучайтирилгани ва судьялар билан боғлиқ барча кадрлар масалалари унинг ваколатига ўтказилгани, шу боис бизнес жараёнларини рақамлаштириш ва танлов асосида саралаш масаласи кун тартибига қўйилганини айтди.

Президентга кассация судлари келгуси йилнинг 1 июлидан иш бошлаши маълум қилинди. Унга-ча Кенгаш судьяларни танлайди ва суд таркибини шакллантиради.



ҚР ПРЕЗИДЕНТИ ОЛИЙ СУД КЕНГАШИ РАИСИ ДМИТРИЙ МАЛАХОВНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Шунингдек, Қасим-Жўмарт Тўқаявга маъмурий адлия фаолияти ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳақида ахборот берилди.

Олий суд раиси суд хизматларининг очкичилиги ва одил судловдан фойдаланиш имконият-

ларини ошириш мақсадида рақамлаштириш ва сунъий заковат унсурлари жорий этилаётганини таъкидлади.

Давлат раҳбари суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотларни сифатли амалга ошириш, барча босқичларда

ишларни қўриб чиқишда қонунийликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратишни топширди.

Олий суд кенгаши раисига қатор аниқ кўрсатмалар берди.

Akorda.kz. маълумотлари асосида.



ПРЕЗИДЕНТ МИННАТДОРЧИЛИК БИЛДИРДИ

Қасим-Жўмарт Тўқаяв “Зенченко ва К” МЧБ директори Геннадий Зенченкога миннатдорчилик билдирди.

“Мамлакат агросаноат мажмуасини ривожлантириш ва соҳанинг рақобатбардошлигини оширишга қўшган улкан ҳиссаси учун “Зенченко ва К” МЧБ директори Геннадий Геннадьевич Зенченкога миннатдорчилик билдираман”, дейилади ташаккурномада.

Шунингдек, Қасим-Жўмарт Тўқаяв ҚР Молиявий мониторинг агентлиги раиси Жанат Элиманов ва Уюшган жиноятчиликка қарши кураш агентлиги раиси Асхат Жумағалини қабул қилди.

Akorda.kz. маълумотлари асосида.


УЙИ БОРНИНГ БАХТИ БОР

Вилоятимизда “2023-2029 йилларда уй-жой коммунал инфратузилмасини ривожлантириш концепцияси” доирасида уй-жой бинолари қурилиши жадал олиб борилмоқда.

Куни кеча Туркистон маъмурий ва ишбилармонлик марказида 190 хонадонли 20 қаватли уйнинг қурилиши ниҳоясига етказилди. Жорий йилнинг октябрь ойида вилоят ҳудудида истиқомат қилувчи ва уй-жой олиш учун навбатда турган “Отбасы банк” ҲЖ омонатчиларидан уй-жой олиш учун аризалар қабул қилинади.

Бинодаги барча хонадонлар 2 хонали, 65-80 квадрат метр ҳажмда.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



• Обуна–2025

“ЖАНУБИЙ ҚОЗОҒИСТОН” – ДОНО ДЎСТИНГИЗ, ҲАМКОРИНГИЗ!

Қадрли муштарий!

2025 йилнинг биринчи ярим йиллигига даврий нашрларга обуна бошланди.

Мустақиллик билан тенгдош халқ минбари ва овози, фахри саналмиш нашр омма ва давлат ўртасидаги олтин кўприк – доно маслаҳатгўй вазифасини ҳалол ва виждонан адо этмоқда. Ҳамиша шундай бўлиб қолади.

Маънавий жиҳатдан юксалиб, камолот сари интилмоқ истасангиз, кун сайин вилоят янгиликларидан воқиф бўлмоқни ихтиёр айлаб, оламшумул воқеалардан бохабар бўлай десангиз, ҳеч шикланмай суюкли «Жанубий Қозоғистон» рўзномасига ёзлинг.

Туркистон вилоятининг «Жанубий Қозоғистон» ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририятидаги рақобатбардош, изланувчан жамоа доим сизларнинг орзуингиздаги жиҳатларга эътибор қаратишга, маънавий хизмат кўрсатишга шай.

6 ойга обуна баҳоси:
“Қазпошта” ҲЖ орқали –
Туркистон вилояти бўйича – 3415,50 тенге;
Шимкент шаҳри бўйича – 3095,15 тенге.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 65466

»» 27 сентябрь – Халқаро сайёҳлик куни

1970 йил 27 сентябрь куни Испаниянинг Торре-молино шаҳрида Бутунжаҳон туризм ташкилотининг Бош ассамблеяси томонидан мазкур сана Халқаро сайёҳлик куни деб эълон қилинди.

Мақсад – туризмни тарғиб қилиш, унинг жаҳон ҳамжамияти иқтисодийётига қўшаётган ҳиссасини оммавий ахборот воситаларида ёритиш, турли мамлакатлар аҳолиси ўртасидаги муносабатларни янада яхшилашдан иборат. Шунингдек, ҳар бир инсон ўзини сайёҳ сифатида ҳис қилиб, Она сайёрамизнинг гўзал, бетакрор табиати, маданий, тарихий ва табиий ёдгорликларини ўрганиши, уларни асраб-авайлашга ўз ҳиссасини қўшиши лозим. Дунёвийлашув шароитида тезкорлик билан ахборот алмашиши натижасида инсонларда дунё мамлакатлари билан танишишга қизиқиш кучайиб бормоқда. Бу ўз навбатида туризм



соҳасининг тараққиётига сабаб бўлди.

27 сентябрь дунёнинг кўпгина мамлакатларида байрам сифатида нишонланиб, туризм йўналишларига бағишланган турли тадбирлар ва фестиваллар ўтказилади. Бугунги кунда мазкур соҳада фаолият юритаётганлар сайёҳларга ҳар томонлама қулай ва хавфсиз

шароит яратиш беришга ҳаракат қилишмоқда. Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг маълум қилишича, дунё ялли ички маҳсулоти ҳажмининг ўндан бир қисми, халқаро сарможаларнинг 11 фоиздан ортиги туризм ҳиссасига тўғри келади.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида мазкур соҳа

равнақига алоҳида устуворлик қаратилмоқда. Вилоятимизда ҳам туризмни ривожлантиришга қаратилган қатор ҳужжатлар қабул қилиниб, улар бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.

Сайёҳлик турмуш тарзига айланиши керак. Байрамнинг сентябрь ойи сўнггида нишонланиши бежиз эмас. Чунки, айни шу кунларда ёзги сайёҳлик мавсуми якунланади.

Вилоятимиз маркази учун ушбу сана муҳим аҳамиятга эга. 2024 йилда Туркистон шаҳри Туркий оламнинг сайёҳлик пойтахти деб эълон қилинди.

Туркий Давлатлар Ташкилотининг ушбу ташаббуси Буюк Ипак йўли бўйидаги шаҳарларнинг сайёҳлик салоҳиятини юксалтириш ва бир-бирининг маданий ва аъъанавий қадриятларини ўрганиш орқали барча туркий мамлакатлар халқларини бир-бирига яқинлаштириш имконини беради.

24.kz. маълумотлари асосида.

6 октябрь

ҲАР БИРИНГИЗНИНГ
ОВОЗИНГИЗ МУҲИМ!

УМУМХАЛҚ
РЕФЕРЕНДУМИ

www.election.gov.kz

ТИНЧЛИК ВА ТОТУВЛИК – БЕБАҲО НЕЪМАТ

Қозоғистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Ташқи ишлар вазири Мурат Нуртилеу БМТ Бош Ассамблеясининг 79-сессияси доирасида ўтган Келажак саммитида маъруза қилди.

Вазир ўз нутқида кўп томонлама ҳамкорлик, БМТ ислоҳоти ва иқлим ўзгариши, ядровий хавфсизлик ва рақамли тараққиёт каби масалалар муҳокамасига қаратилган дунёвий саъй-ҳаракатларнинг муҳимлигини таъкидлади.



– Қозоғистон БМТ ташаббусларини ва Келажак саммитининг барча асосий ҳужжатларини тўлиқ қўллаб-қувватламоқда. Қозоғистон бугун сайёрамизнинг порлоқ келажagini таъминлашда Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо барча давлатлар ва унинг институтлари билан кучларни бирлаштириш учун ушбу тадбирда иштирок этмоқда, – деди Мурат Нуртилеу.

Вазир иқлим ўзгариши ва ядро таҳдиди каби замонавий дунёвий хатарларни енгиш учун БМТ тизимини кенг қамровли ислоҳ қилиш зарурлигини таъкидлади. Бу жараёнда ўрта кучлар ва ривожланётган мамлакатларнинг халқаро институтларда овозини кучайтириш муҳим ўрин эгаллаши керак.

Марказий Осиё иқлим ўзгариши, ҳароратнинг ошиши, музликларнинг эриши ва чўлланиш каби таҳдидларга дуч келмоқда. Ушбу муаммоларга жавобан Қозоғистон 2026 йилда БМТнинг иқлим бўйича биринчи минтақавий саммитига мезбонлик қилишни режалаштирмоқда ва Барқарор тараққиёт мақсадларини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштиришни кучайтириш мақсадида БМТнинг Марказий Осиё ва Афғонистон учун Барқарор тараққиёт минтақавий марказини барпо этишни таклиф қилди.

Ядро синовларининг аянчли тажрибасига эга Қозоғистон халқаро ядровий қуролсизланишни илгари суришда фаол. М. Нуртилеу халқаро ҳамжамиятни келажакда ядровий ҳалокатнинг олдини олиш учун бирлашишга чақирди.

Маъруза якунида Қозоғистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги раҳбари дунёда БМТ Низоми ва халқаро ҳуқуқ тамойилларига асосланган давлатнинг муқобили йўқлигини таъкидлади. У жаҳон ҳамжамиятини очик мулоқот ва кўп томонлама ҳамкорликка чақирди.

Вазирнинг таъкидлашича, Қозоғистон Келажак саммитида қабул қилинган учта муҳим ҳужжат: “Хавфсиз келажак дастури”, “Янги рақамли шартнома” ва “Келажак авлод тўрисидаги декларация”ни тўлиқ қўллаб-қувватлади. Ушбу ҳужжатлар кўп томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва бугунги дунёвий таҳдидларга, жумладан, иқлим ўзгариши, технологик тараққиёт ва хавфсизликка таҳдидларга қарши кураш учун самарали дунёвий тизим яратишга қаратилган.

ҚР Ташқи ишлар вазирлигининг матбуот хизмати маълумотлари асосида.

ИДОРАЛАРАРО КОМИССИЯ МАЖЛИСИ ЎТДИ

Вилоят ҳокимлиги қошидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга доир идоралараро комиссиянинг навбатдаги мажлиси ўтди. Унда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва вилоят бошқармалари раҳбарлари иштирок этди. Мажлисга вилоят ҳокими Дархан Сатибалди раислик қилди ва олиб борди. Муҳим аҳамиятга молик йиғилишда учта масала муҳокама қилинди.

Кун тартибида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш чоралари бўйича вилоят полиция департаменти раҳбарининг биринчи ўринбосари Бағланбек Айтпаев ва вилоят йўловчилар транспорти ҳамда автомобиль йўллари бошқармаси раҳбари Қуатжан Жуматаев маъруза қилди. Вилоят ҳокими Дархан Са-

тибалди йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш йўналишидаги тадбирларни янада жонлантиришни топширди. Минтақа йўлларини таъмирлаш давом эттирилишини маълум қилди. Мажлисда “Балоғатга етмаганлар ҳамда уларга қарши жиноятларнинг олдини олиш” мавзуида ҳам маъруза



залар бўлди, мутасаддиларга топшириқлар берилди. Йиғилиш якунида комиссия аъзоларининг таклиф ва эслатмалари баённомага киритилди. Ушбу йўналишда ишлар давом эттирилади. **Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.**

»» 6 октябрь – Умумхалқ референдуми куни

АЭС ҚУРИЛИШИ – РЕФЕРЕНДУМДА ҲАЛ ҚИЛИНАДИГАН МАСАЛА

Қозоғистон яқин ўн йил ичида атом электр станциясини қуришни режалаштирмоқда. Йилдан йилга мамлакатда энергия тақчиллиги сезиляпти, тармоқлар эскирмоқда. Одатдагидек, кўмирни ёқиш орқали энергия ишлаб чиқариш қимматга тушади ва кўплаб салбий табиий оқибатларга олиб келади. 1,4 миллион тонна уран захирасига эга мамлакат учун бу муаммони атом электр станцияси қуриш орқали ҳал қилиш самарали бўлиши мумкин.



Ушбу мавзу шу кунларда жамиятимизда кенг муҳокама қилинмоқда. Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев жорий йилги Мақтубида бу масалани референдум орқали ҳал қилишни топширди ва умумхалқ тадбирини ўтказиш санасини белгилади. Мамлакатимизнинг барча вилоятларида атом электр станцияси қурилиши лойиҳаси бўйича жамоатчилик муҳокамалари ўтказилмоқда. Уларда ижроия органлари, нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва сиёсий партиялар вакиллари, энергетика соҳаси мутахассислари, экологлар, шунингдек, маҳаллий аҳоли ва блогерлар иштирок этмоқда.

Йиғилишларда Энергетика вазирлиги, “Қозоғистон Атом электр станциялари” МЧБ, Миллий ядро маркази ва Ядровий физика институти вакиллари атом электр станцияларини қуриш билан боғлиқ замонавий технологиялар, Қозоғистоннинг тинч ядровий ривожланиш тажрибаси, маҳаллий институтларнинг ушбу соҳадаги долзарб илмий тадқиқотлари ва концепциялари билан таништирилди.

Дунёда нечта АЭС мавжуд?

Энергетика вазирлигининг Атом энергияси ва саноат департаменти маълумотларига кўра, ҳар йили электр энергияси истеъмоли 3 фоизга ошмоқда. Атом энергияси бўйича халқаро агентлик маълумотларига кўра, 2050 йилга бориб, барча мамлакатлар атом электр станцияларига ишлаб чиқариладиган электр энергияси икки бараварга ошиб, 792 ГВтга етиши кутилмоқда.

Ҳозир дунё мамлакатларида 416та реактор мавжуд. Ушбу реакторларнинг умумий қуввати 347 641 МВтни ташкил қилади. Дунёнинг бир қанча мамлакатларида 61637 МВт қувватга эга 59та реактор қурилмоқда. Масалан, Хитойда - 25та, Ҳиндистонда - 7та, Туркия ва Миср, Россияда - 4та, Буюк Британия ва Корея, Япония, Украина ва Бангладешда 2та реактор барпо этилмоқда. Франция ва Словакия, Бразилия ва Аргентина, Эрон реакторлар қуришни бошлади.

Дунёдаги энг кўп АЭС АҚШда қурилган бўлиб, ҳозирда бу мамлакатда 94та реактор фаолияти йўлга қўйилган. Хитой ва Францияда - 56та, Россияда - 36та, Жанубий Кореяда - 26та, Ҳиндистонда - 20та, Канадада - 19та, Украинада - 15та, Японияда 12та реактордан қувват ишлаб чиқарилади. Японияда - 21, Ҳиндистонда - 4та реактор вақтинча тўхтатилган.

АЭСнинг самарадорлиги қандай?

“Қозоғистон атом электр станциялари” МЧБнинг Атом энергетикаси бўлими маълумотларига кўра, АЭС қурилиши бошланса, биринчи навбатда, ижтимоий нуқтаи назардан, қурилиш ишларига 8 минггача одам жалб этилади. АЭС фойдаланишга топширилса, 2 мингга яқин киши доимий иш билан таъминланади. Иккинчидан, бу ички иқтисодиёт тараққиётига ижобий таъсир кўрсатишига шубҳа йўқ. Бу борада, биринчи навбатда, мамлакатимизнинг сарможий жозибадорлигини оширишга хизмат қилади. Зеро, бутун цикл давомида мамлакат бюджетига 2,5-3 миллиард доллар миқдоридеги солиқлар тушади. Учинчидан, техник нуқтаи назардан ўз ёқилги базаси имкониятларидан мажмуавий фойдаланиш режалаштирилган. АЭС ишга туширилса, истеъмолчиларни 60 йилдан ортиқ ишончли энергия билан таъминлайди. Туртинчидан, атроф-муҳитга иссиқхона газлари чиқиндиларини йилга 10 миллион тоннага камайитириш имконияти мавжуд.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, иссиқлик электр станцияларидан атроф-муҳитга чиқаётган ифлослантирувчи моддалар кам эмас. Масалан, 1 ГВт энергия ишлаб чиқариш учун иссиқлик электр станцияларидан ҳавога 7-120 минг тонна олтингурт диоксиди, 2-20 минг тонна азот оксиди, 700-1500 тонна майда кул, 3-7 миллион тонна карбонат ангидрид, 300 минг тоннадан ортиқ кул чиқарилади. Ҳар йили ишлаб чиқарилган 400 тоннага яқин захарли металллар таркибида кадмий, кўргошин ва симоб каби ифлослантирувчи моддалар мавжуд.

Аммо АЭСдан 1 ГВт энергия ишлаб чиқариш жараёнида олтингурт диоксиди, азот оксиди, майда кул, карбонат ангидрид, кул ва захарли металллар каби кимёвий ифлослантирувчи моддалар ҳавога чиқарилмайди. АЭС атроф-муҳит учун шундай самарадорликка эга.

Атом электр станцияларини қуришда халқаро тамойилларга амал қилиш зарур. Маълумки, ҳозир халқаро молия институтлари кўмирга сармоя киритишдан бош тортмоқда. Чунки унинг келажиги йўқ. Баъзида куёш нури ва шамол бор, баъзида эса йўқ. Шунинг учун куёш ва шамолни келажакдаги мақсадларни ҳал қилувчи барқарор энергия манбаи деб бўлмади. Атом энергетикаси бундан олдинда. Менимча, атом саноатини ривожлантириш керак. Агар АЭС янги талабларга жавоб берадиган технология билан жиҳозланса, буни мамнуният билан қабул қилиш мумкин.

Мухтасар қилиб айтганда, АЭС мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ва электр энергияси тақчиллигини бартараф этиш учун зарур.

Мамлакатимизда кўплаб корхоналар, деҳқон хўжаликлари ташкил этилмоқда. Янги ҳудудлар барпо этилди. Шу сабабли, электр энергиясига бўлган талаб ортади. Буларнинг барчасини инobatга олган ҳолда, келажакда энергия манбаларини яхшилаш муаммоси юзага келади. Ҳозирги вақтда мамлакатимиз энергия манбаларига муҳтож. Улар орасида асосий энергия манбаи атом электр станциясидир.

АЭС барпо этиш учун Балхаш кўлига яқин ҳудуд танланган. Бу қурилишнинг дарёга зарар келтирмаслиги айтилмоқда. Дарҳақиқат, атом электр станцияларидан фойдаланадиган мамлакатларда реактор яқинида балиқ овлаш мусобақалари ташкил этилади. Радиация таъсирининг йўқлигини таъминлаш мақсадида мусобақа давомида овланган балиқларга радиологик текширувлар ўтказилади.

Ҳар ҳолда, бу йил Қозоғистон АЭСга бир томонлама ёндашувни шакллантириши керак. У умумхалқ референдуми натижасида маълум бўлади.

Қайлима ЖАНТҮРЕЕВА,
“АМАНАТ” партияси Туркiston вилоят филиали ижроия котибининг ўринбосари,
вилоят маслаҳати депутати,
вилоят фахрий фуқароси.

ПАХТАКОРЛАРНИНГ МУАММОСИ ҲАЛ ЭТИЛДИМИ?

Вилоят ҳокимининг ўринбосари Бейсен Тажибаев Чордара туманига хизмат сафари билан ташриф буюрди. Сафар давомида туман ҳокими Арман Қарсибаев ва мутасадди вакиллар билан бирга пахта қабул қилиш пунктлари ва заводларини оралаб, деҳқонлар билан учрашди. Унда соҳани ривожлантириш юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Учрашувда деҳқонлар ер, сув, йиғим-терим, маҳсулот нархига оид масалаларни кўтаришди. Ҳозирги кунда пахта пунктлари олдиндан маблағ тарқатаётгани, бироқ аниқ баҳо белгиланмагани таъкидланди. Жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги қошидаги «Уруғчи-

ликни ривожлантириш маркази» билан музокаралар юритилиб, сифатли (1,9 тонна) чигитни импорт қилишга келишилиб, 891 тоннаси харид қилинди. «Минерал ўғитларни субсидиялаш» дастури доирасида жорий йилдан бошлаб, аввалдан тўлов шакли татбиқ этилиб, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ўғитлар 60 фоиз субсидияланди. Вилоят бюджетидан 7 млрд. тенге ажратилиб, унинг 69 фоизи пахтакор хўжаликларга тўланди, 62 минг тонна минерал ўғит харид қилинди. Вилоят ишлаб чиқарувчилари «Кенг дала-2» насия дастурлари доирасида 18,8 млрд. тенгга молиялаштирилди.



Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

»» «Оқ олтин – 2024»

ДАСТЛАБКИ ПАХТА ҲОСИЛИ – ХИРМОНДА

Эски Иқон қишлоғи пахтакорлари Иттифоқ давридан буён пахта етиштиришда туман бўйича етакчи ўринни эгаллаб келмоқда. Қишлоқда жами 6600 гектардан зиёд майдонда пахта етиштирилди.

Ғалим Пернешов раҳбарлик қилаётган “Қазақстан мақта” МЧБга қарашли Эски Иқон пахта тозалаш корхонаси директори, тажрибали мутахассис Алишер Аҳмедов пахтачилик соҳаси аҳоли ҳамда жорий йилги об-ҳаво ўзгачаликлари ҳақида маълумот берди. – 22 сентябрдан эътиборан корхонамизда янги ҳосилни қабул қилишни бошладик. Кўкламги ёгингарчилик туфайли чигит экиш 15 майгача давом этди. Ғўзага сув етарли бўлди. Лекин, салқин, серёғир келган ёз фаслида унинг ривожини учун зарур ҳарорат, куёш нури кўнгилдагидек бўлмади. Шу боис, далаларда кўсак қурти пайдо бўлди. Зудлик билан кўрилган чоратадбирлар, хусусан, биологик усул, яъни, кўсак қуртини нобуд қиладиган капалаклар ҳам қўлланилди. Кўсак қурти хўжумидан деҳқонлар гектаридан ўртача 5 центнердан зиёд ҳосилни бой беришди. Бу йилги ҳосил одатдагидек терим агрегатлари ёрдамида йиғиб-териб олинади. Бу усул қўл теримига нисбатан унумли ва арзон. Пахта хомашёси баҳоси ҳали маълум эмас. Корхонамиз ҳар қандай миқдордаги пахта хом ашёсини қабуллаб, қайта ишлашга тайёр, – дейди директор Алишер Аҳмедов.



Ш. МАДАЛИЕВ.
Тасвирларда: корхона директори Алишер Аҳмедов; терим агрегатлари пахтазорда. Муаллиф суратга олган.



»» 6 октябрь – Умумхалқ референдуми куни

1100ДАН ЗИЁД ЧОШТЕПАЛИКЛАР ОВОЗ БЕРИШАДИ




Қарноқ қишлоғидаги Мансур Акешов (тасвирда) раҳбарлик қилаётган “Чоштепа” умумтаълим мактабида кутубхоначи Мақсуда Юсупова иштирокида кадрдон нашримизга келгуси ярим йилликка обуна масаласи ҳақида фикр алмашдик.

Мактаб раҳбари М. Акешов ўтган ўқув йилида эришилган натижалар ҳақида баён этиб, 6 октябрь куни ўтадиган умумхалқ референдумини уюшқоқли ўтказиш борасидаги тайёргарлик ишларини тилга олди.

Хусусан, мактаб ўқув биноси даҳлизида жойлашган овоз бериш участкасида жами 1100дан зиёд чоштепаликлар мунаввар келажакни қўллаб-қувватлаб, овоз беришлари учун шароит муҳайё.

Атом электр станциясини қуриш – давр талаби ҳамда жаҳонда тараққий этган давлатларда кенг қўлланилаётган, электр энергиясини ишлаб чиқарувчи самарали манба эканлигини қайд этмоқ зарур.

Ш. МАДАЛИЕВ.



ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Вилоят рақамлаштириш, давлат хизматларини кўрсатиш ва архив бошқармасининг ташаббуси билан “Давлат хизмати – шарафли бурч” мавзуида вилоят семинари ўтди. Унда туман, шаҳар ҳокимларининг давлат хизматлари кўрсатишига масъул мутахассислари иштирок этиб, вилоятда давлат хизматлари кўрсатишнинг суръатлари муҳокама қилинди.

Тадбирда бошқарманинг давлат хизматлари кўрсатиш сифатини назорат қилиш бўлими раҳбари Нуржан Қалтбеков соҳага оид ички давлат назорати чоралари юритилганини айтиб, унинг натижаларига тўхталди. Хизмат кўрсатиш сифатини ошириш юзасидан аниқ тавсиялар берилиб, ҳуқуқий саводхонлик сабоғи ўтказилди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

»» Тоза Қозоғистон

ТАРИХИ ТЕРАН ЮРТГА ТАЪЗИМ!



Президентимиз ташаббуси билан бошланган «Тоза Қозоғистон» акцияси кўтаринки кайфият билан амалга оширилмоқда. Умумхалқ ҳашарлар нафақат шаҳарларда, балки туман ҳамда қишлоқларда ҳам шижоат ва завқшавқ билан ўтаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Юртимизда ўтган навбатдаги экотадбир ҳам бунга далил.

«Айғақ» телеканалнинг раҳбари, вилоят маслаҳатининг депутати Дулат Абишнинг ташаббуси билан «Тоза Қозоғистон» экологик лойиҳаси доирасида ОАВ ҳамда ўлкашунослар вакиллари-нинг бир гуруҳи Туркистон, Жамбил, Қарағанди, Ақмўла, Улитов вилоятларида ижодий сафарга отланишди.



Ободонлаштириш ишларида фаол иштирок этиш, шу билан бирга Қозоғистон тарихини ўрганишни тарғиб қилиш, мамлакат тарғибига ҳисса қўшган буюқ шахсларни хотирлашни мақсад қилган ижодий сафар Мақтаарал туманидан 2020 йили вафот этган Туркистон вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Қўсман Айтмухаметовнинг бюсти атрофида ободонлаштириш ишларини юритиш билан бошланди.

Марҳумнинг хотирасига бағишлаб Қўрғон тиловат қилинди, у билан ҳамқасб бўлганлар, дўстлари эсдаликлари билан ўртоқлашди.

Сариогоч туманидаги хотира тadbири этномаданият истироҳат боғида ўтди. Қазигўрт туманида эса «Келдибек қаңлы Ата» мақбарасида, Ленгер шаҳрида эса қозоқ халқининг йирик жамоат арбоби, улғу жуз етакчиси Тўлебий Алибекулининг ҳайкали пойида Қўрғон тиловат қилинди. Тадбир иштирокчилари атрофни чиқиндилардан тозалашди.

Ҳам ободонлаштириш мақсадида, ҳам хотира тadbири сифатида уйғунлаштирилиб ўтказилган мазкур тadbир Шимкентда давом этди. Ҳамюртларимизни жамлаган йиғин Шимкент шаҳридаги Асанбай Асқаров номидаги дендро истироҳат боғининг фахрийлар хиёбонида ўтди. Дунёнинг турли мамлакатларидан келтирилган манзарали ва ноёб дарaxтларнинг Шимкент ҳавосининг тозаланишига қўшадиған ҳиссасини ҳис қилиш ҳамда тонгни энг яшил манзилда қарши оладиган шаҳар аҳолиси учун ўтказилган экологик тadbир ҳақиқий шодибнага айланди. Давлат раҳбарининг ташаббусини қўллаб-қувватлаш мақсадида шаҳар ҳокими Ғабит Сиздиқбеков ва маҳаллий ташкилотлар раҳбарлари ҳам фаол иштирок этишди. Қўлига курак олган тadbир иштирокчилари йўлакларни бегона ўтлардан тозалаб, чиқиндиларни тўплаб, махсус машиналарга ортишди.

Бундай эзгу тadbирларда ёшларнинг фаол иштироки жу-



да кувонарли, – дейди Шимкент шаҳри ҳокими Ғабит Сиздиқбеков. – Кекса авлод вакиллари ёшларга она шахрини ободонлаштириш, уни тоза сақлаш ишларида ҳам намуна бўлиши жоиз. Қаранг, бу ернинг ҳавоси қандай мусаффо.

обидаларни зиёрат қилиш тadbирида иштирок этганман, – дейди «Бекет» газетасининг бош муҳаррири Сафур Утебаев. – Бу галги сафаримизда эса Марказий Қозоғистон ҳудудларидаги тарихий масканларни ободонлаштириш ишларида фаол иштирок этиш баробарида, юртимиз тарихини ўрганамиз, ҳамюртларимизни шундай масканлар ҳамда ватанимиз тарихида ўчмас из қолдирган миллатнинг асл фарзандлари ҳаётларини ўрганишга тарғиб этиб, биз, ОАВ вакиллари ёшларимизнинг маънавий юксалишига ўз ҳиссамизни қўшиш ниятидамиз. Бу галги сафаримиз Мақтаарал туманидан бошланиб, Сариогоч, Қазигўрт, Тўлебий туманларида ўтди. Мана ҳозир эса Шимкентдаги истироҳат боғидаги тadbирда иштирок этмоқдамиз.

Истироҳат боғида тозалик иш-



Шимкентликлар ҳар куни тонгда келиб, бу ерда жисмоний машғулотлар ўтказишади. Бугун эса ўзларининг сеvimли масканларида тозалик ишларида фаол иштирок этишди. Боҳаво жой кўпчилики бағрига жамлади.

– Дулат Абиш ташаббуси билан айнан ижодкорларни жамлаган гуруҳ таркибида Ғарбий Қозоғистонда шаҳарларни оралаб, тарихий

лари поёнига етгач, шаҳар ҳокими Ф. Сиздиқбеков «Тоза Қозоғистон» акцияси доирасида Жамбил вилоятига отланаётган журналистлар делегациясига оқ йўл тилади. Сафар тафсилотлари билан газетамизнинг навбатдаги сонларида таништириб борамиз.

М. САЪДУЛЛАЕВА.

»» Заковатли миллат

Аждодларимиз ардоқлаган китоблар

Вилоят маслаҳати депутати Инара Абдиқалпар кизи раҳбарлик қилаётган вилоят «Фурқалик альянси» ҳуқуқий шахслар жамоат бирлашмаси лойиҳаларини мувофиқлаштирувчи етакчи мутахассис, Насиба Алихон кизи Қошғарий номли мактабни битириб, давлат гранти асосида Астана шаҳридаги Л. Н. Гумилев номидаги Евроосиё Миллий Университетини муваффақиятли тамомлаган.



лидаги адабиётлар, рисо- лалар ҳам зарур. Аждодларимиз илмий, бадий адабиёт, барча китобларни ардоқлаган. Бугунги авлод эса аждодлар аъна- насини муносиб даражада давом эттириб, китоб му- толаасига ихлос қўйишса, нур устига нур. Тиб илми- нинг намояндаси, машҳур табиб Абу Али Ибн Сино ўз замонасида хоннинг узоқ вақт хасталикдан азият чеккан қизини даво- лаб оёққа турғизади. Мин- натдор хон Ибн Синога:

– Беқийс хизматинг учун хазинамдан қанча ҳақ сў- расанг ҳам тўлайман, тила тилаганингни, – деганла- рида машҳур табиб тавозе билан:

– Хон ҳазратлари, мен- га хазинангиздаги тилло керак эмас, кутубхонангиз-

Малакасини муттасил ошириб, билимини тако- миллаштирган. Аждодларимиз ардоқлаган неъмат – ҳикматлар хазинаси бўлган ноёб рисоаларни кадрдон қишлоғига, хусу- сан, барча умумтаълим мактабларига пойтахтдаги жамоат ташкилотлари но- мидан тўхта қилинишига эришиб, савобли маърифий амалга дохил бўлди. Артур Асоев раҳбарлик қилаётган М. Қошғарий номли, Достон Абдалиев раҳбарлик қилаётган «Уркер» ҳамда Баҳром Мирзаев раҳбарлик қилаётган «Ақын туман» умумтаълим мактаблари кутубхоначи- лари мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари жамоаси номи- дан хомийларга, хусусан, ҳамқишлоқлари Насиба Алихон қизининг ёрда- мидан беҳад миннатдор эканликларини фахр билан қайд этамиз.

Жорий йил 24 октябрь куни таниқли адиб, ёзувчи Одил Ёқубовнинг эр- мондош дўсти, «Қон ва тер» асари СССР давлат мукофотига сазовор бўл- ган ёзувчи Абдижамил



Нурпеисов таваллудига 100 йил тўлади. Алмати- дан келган ҳомий Элми- ра Карманова келгусида А. Нурпеисовнинг асарла- рини ҳам етказиб беришга ваъда берди. Мактаб ку- тубхоначилари, хусусан, М. Қошғарий номли мак- табдан Саноат Мирзаҳ- медова тўхта қилинган адабиётлар учун самимий миннатдорчилик билдир- ди.

даги ноёб китобларни бир неча кун мутолаа қилишга рухсат берсангиз, беҳад миннатдор бўлардим, – деб китобга бўлган са- мимий ихлос-этиқодини намоиш этган.

Китоб ўқинг, азизлар! Кам бўлмайсиз!

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: Насиба Алихон кизи мактаб кутуб- хоналарида китоб тақдим этмоқда.

Мактабларга ўзбек ти-

»» Яхшилардан сўз очдик

ИБРАТЛИ УМР САБОҚЛАРИ

Ҳалол меҳнат Тўлебий тумани, 1-мамир қишлоғида истиқомат қилувчи Рўзиматовлар хонадонининг ҳар бир аъзоси учун турмуш тарзига айланган ва улар ҳаётининг муҳим ва энг қадрли зийна- тидир. Қишлоқ аҳли бу оилани эҳтиром билан тилга олади. Оиланинг фарзандлари ҳам бахту тахтини меҳнатдан топ- ганлар.

– Ҳаётимизни нафақат ўзимиз мойил бўлган фао- лиятга, балки барча инсон- ларга фойда келтиришга ҳам бағишлашимиз керак, – дейди оила етакчиси Раҳ- мат Рўзиматов.

Оила бекаси Зулқарам Дўсай кизи умр бўйи гулчи- лик билан шуғулланган.

– Аёл зоти гулни яхши кўради. Яхши кўрадимас, гулга ички бир сезгилар билан ўзини яқин сезади.

Гул билан аёл ўртасида ўхшашликлар кўп: нафис- лик, жозибдорлик, ёрқин ранглар, интилиш, нозик- лик, инжиқлик, сезгирлик. Гуллар мўъжизавий кудрат- га эга. Яшнаб турган гул- даста, ҳатто, бир неча дона гул ҳам дилларга кувонч улашади, кайфиятни кўта- ради. Бекорга оналаримиз чаккаларига райҳон, жам- бил шохчаларни қистириб кўйишмаган, – дейди у.

Онахоннинг бир неча шеърий тўпламлари нашр- дан чиққан. Ижодининг мавзуси – оиладаги соғлом муҳит, чиройли тарбия, бо- лалардаги гўзал хулқ, ўза- ра меҳр-оқибат, муомала маданияти...

– Юртимизда мустақил- лик йилларининг ҳар ку- нида кенг камровли ис- лохотлар давом этмоқда ва унутилмас воқеалар, бунёдкорликлар, замона-

вийлашув рўй бермоқда. Булар ҳар бир юртошим каби менинг ҳам қалбимни фахр-ифтихор туйғуларига тўлдирмоқда. Ҳа, биз улкан муваффақиятларга давлатимизнинг тинчликпарвар сиёсати, инсон манфаат- ларини кўзловчи дастур- ларини ҳаётга изчиллик билан татбиқ этаётганимиз туфайли эришмоқдамиз. Шундай юрда меҳнат қи- лиш, унинг дунё миқёси- даги ютуқларини кўриб кувониш, Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, ислохотларни жадаллаш- тириш ва унинг шон-шуҳ- ратини юксалтиришга ўз ҳиссамни қўшишдек бахт ёзилгани учун Яратган шукроналар келтираман, – дейди Зулқарам Дўсай кизи.

– Бахтли оиланинг си- ри нимада, деб ўйлай- сиз? – сўраймиз онахон- дан.



– Дунёдаги қуёшдек тафтли туйғу – меҳр эмас- ми, юракларимизни или- тиб, кўнглимизни равшан этади. Меҳрнинг илғамас ришталари қалбдан қалбга кўчиб бораверади. Меҳр инсонга қанот беради, қув- ват бағишлайди, одамлар- нинг умр йўлини ёритади. Фарзандларимиздан меҳ- римизни аямадик. Бахтли оила сири ҳам ана шунда бўлса керак.

– Ёшларга тилакларин- гиз...

– Ҳамжихатлик, меҳр- оқибат ва бағрикенглик муҳитида ҳар қандай ои- ла мустаҳкамланиб бора- веради. Яхшилик – жон- нинг малҳамидир! Кўпроқ бир-бирига яхшиликларни илсинсин. Яхши инсонлар кўлмагида, яқинларининг илиқ меҳрлари ила ҳар қандай инсон ўзини бахтли ҳис қилади. Шунинг учун ҳеч қачон одамлар ораси- да яхшилик сўнмасин, дея доим дуо қиламан!

С. МИРЗО.

»» Ёднома

НУРСУЛТОННИНГ НУРЛИ ХОТИРАСИ

Саврон тумани- нинг Югнак қиш- лоғида истиқомат қилган, ҳаётдан ор- зу умидлари мўл Нурсултон Ирис- муҳаммад ўғли Музаффаров (тас- вирда) фонийдан чин дунёга рихлат қилди.

Марҳумнинг Тур- кистон шаҳри, Сав- рон тумани қишлоқ- ларида истиқомат қилувчи, мактаб, соғ- ликни сақлаш муассасаларида фаолият юритаёт- ган ҳамда нафақа ёшидаги қариндош-уруғ, ёру биродарлари, кудаларига, Югнак қишлоқ ўзбек этномаданият бирлашмаси орқали «Жанубий Қозоғистон» газетасининг фаол муҳли-муштарий- ларига мусибат муносабати билан ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор қиламиз.

Аллоҳ марҳумни ўз раҳматиغا олган бўлсин!



Ш. МАДАЛИЕВ.

»» Дўстлик ришталари

БОШ КОНСУЛХОНА
ВАКИЛЛАРИ – САЙРАМДА

Шимкент шаҳрининг Сайрам даҳасидаги “Сайрам” собиқ раҳбарияти таклифи билан Ўзбекистон Республикасининг Алматы шаҳридаги Бош консулхонаси консуллари Эркин Абдуқаюмов ва Дилшод Собиров, ҚР Парламент Мажлисининг собиқ депутаты, жамоат арбоби Фахриддин Қоратоев, меҳнат фахрийлари Турсунхўжа Хонхўжаев, Ҳамроқул Давронбеков, Султонниёз Ёрматов, таниқли тadbиркорлар Толиббой Ниёзхожиев, Мирдиёр Маҳкамбоев, шунингдек, жамоат фаоллари, талабалар ва уларнинг ота-оналари мазкур муассасага ташриф буюришди. Тадбирдан кўзланган мақсад – қозоқ ва ўзбек халқларининг дўстлигини тараннум этиш, ёш авлодни байналмингал рўҳда тарбиялашдан иборат эди.



Ушбу билим юртининг муассиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор Амирхан Баймағамбетов меҳмонларни коллежнинг фаолияти билан таништирди. 2007 йили тамал тоши қўйилган масканда ҳозирги кунда 1300дан зиёд талаба таҳсил олмақда. Ўтган 18 йил мобайнида бу муассасани 5 мингдан зиёд ўрта бўғин мутахассислари тамомла-

Алматы шаҳридаги Бош консулхонасининг келгусидаги фаолиятига омад тилади.

– Икки қардош халқлар Давлат раҳбарлари Қ. Тўқаев ва Ш. Мирзиёевларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаган ҳолда “Сайрам” коллежи жамоасининг Ўзбекистоннинг ўрта таълим муассасалари билан ҳамкорлигини янада кучайтириш, илғор тажриба-

Бош Консул А. Қаюмов номидан ташаккурномалар билан тақдирланганини маълум қилишди. Тақдирланганлар қаторида Шимкент шаҳар Ал Форобий тумани ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси, “Тулпар” МЧБ директори Шуҳрат Рўзиметов, Қўқшетау вилоят ўзбек этномаданият бирлашмаси аъзоси Рўзимат Қурбонов, таниқли тadbиркор Ақром Орзиқулов, маданият ва маърифат жонқуяри Толиб Ниёзхожиев, тadbиркор Мирдиёр Маҳкамбоев, Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, “Ижодкор” адабий бирлашмаси раиси Зокиржон Мўминжоновлар бор.

– Ўзим қурувчиман, – деди М. Маҳкамбоев, – қорхонамиз кўприклар қуришга ихтисослаштирилган. Сизлар эса икки давлат ўртасида дўстлик кўпригини бунёд этяпсизлар. Ишингиз ҳамини бароридан келсин!

Тadbир иштирокчилари – “Сайрам” коллежи директори Ж. Баймағамбетова, Шимкент тиббиёт академияси ўқитувчиси А. Сабуров, фахрий устозлар Т. Хонхўжаев, С. Ёрматов, таниқли суҳандон, Сайрам туманининг фахрий фуқароси Ҳамроқул Давронбеков, имконияти чекланган шахслар орасида стол теннисидан 15 карра Қозоғистон чемпиони, спорт устаси Т. Эшимов, маданият фидойиси Т. Ниёзхожиев,



ди. Улар Туркистон вилояти ва Шимкент шаҳридаги тиббиёт муассасаларида фаолият юритишмоқда. Жумладан, жамоанинг Ўзбекистоннинг Фарғона, Эллиққалъа, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларидаги етакчи тиббиёт муассасалари билан ҳамкорликда иш юритаётгани таҳсинга сазовордир. Тадбирда коллеж муассиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор Амирхан Баймағамбетов ва директор Жанара Баймағамбетова меҳмонларга ташриф учун миннатдорчилик билдиришди.

ҚР Парламент Мажлисининг собиқ депутаты, жамоат арбоби Фахриддин Қоратоев ушбу учрашувнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаб, Ўзбекистон Республикасининг

ларни ўрганиш зарур, – деди у. – Дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш борасида саяёҳаракатларимизни, албатта, келгусида ҳам давом эттирамиз.

Шундай сўнг сўз олган Ўзбекистон Республикасининг Алматы шаҳридаги Бош консулхонасининг консуллари Эркин Абдуқаюмов ва Дилшод Собиров қадимий ва тарихи теран табаруқ маскан – Сайрам диёри билан танишувдан улкан таассурот олганликларини мамнуният билан қайд этишди.

Улар Ўзбекистон ва Қозоғистон халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашда ҳамда Бош консуллик тadbирларида фаол иштироки учун бир гуруҳ қозоғистонлик жамоат фаоллари

тadbиркор М. Маҳкамбоевлар мана шундай учрашувларнинг муҳимлигини эътироф этиб, эзгу тилаklarини изҳор этишди.

Учрашувда, шунингдек, келгуси йили Юсуф Сарёмийнинг 125 йиллигини халқаро даражада нишонлаш, қозоғистонлик таниқли ўзбек ижодкорларини Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига аъзо қилиш каби масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Шу кунги меҳмонлар Сайрамнинг муқаддас қадамжолари – Иброҳим ота, Балоғардон бобо, Оқота бобо, Қорасоч она макбарларини зиёрат қилишди.

Зокиржон МўМИНЖОНОВ.
Тasвирларда: учрашувдан лавҳалар.

»» Яссавий зурриёдлари

АДҲАМ ҲОЗИЕВ – АКАДЕМИК

Ҳамюртимиз – Тошкент шаҳрида истиқомат қилаётган кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Адҳам Ҳозиев яқинда Қозоғистон Аграр фанлар Миллий Академиясининг чет эллик академиги илмий унвонига ноил бўлгани ҳақида хушбардан воқиф бўлди. Муборак бўлсин!

А. Ҳозиев 1955 йили 1 февралда ҳозирги Саврон туманининг Чоға кишлоғида таваллуд топган, Туркистон шаҳридаги

Ҳамза номли мактабни бирга тамомлаганмиз. Аҳмаджон Боботоев синф раҳбаримиз эди. Самарқанд кишлоқ хўжалиги институтини зоотехник ихтисослиги бўйича имтиёзли диплом билан тамомлаб, олим-зоотехник-қоракўлшунсо мутахассислигига эга бўлди. 1989 йили қоракўлчилик-чорвачилик соҳасида номзодлик диссертациясини ёқлаб, кишлоқ хўжалиги фанлари номзоди илмий унвонига сазовор бўлди.

2021 йили эса “Қоракўл қўйларини самарали селекциялашнинг экологик ва генетик асослари” мавзусидаги илмий ишнинг муваффақиятли ҳимоя қилиб, кишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc) унвони соҳиби бўлди. Эта монография, 20дан зиёд рисола, 300дан ортқ илмий мақолалар муаллифи. Туркий оламнинг маънавий пойтахти, сайёҳлик маркази – Туркистон заминидики киндик қони томган, Ҳазрат Яссавий таъбири билан айтганда, ҳақиқатга бошловчи энг тўғри йўл – илмни танлаб, юксак натижаларга



эришган фан доктори, профессор ҳамда академик унвонлари соҳиби – дўстим Адҳам Ҳозиевга мустаҳкам саломатлик, фан оламида янги кашфиётлар яратиш йўлида муваффақиятлар тилайман.

Шерхон АБИЛОВ,
Туркистон шаҳрининг
ибратли фуқароси.

Тasвирларда: Ш. Абилов, А. Ҳозиев.

ЎЗБЕК ДРАМА ТЕАТРИДА
XXII МАВСУМ ОЧИЛДИ

Шимкент шаҳар ўзбек драма театрининг XXII мавсуми ўзгача шаклда очилди.

Театр ҳовлисида тўпланган ихлосмандлар театр актёрлари саҳналаштирган мусикий-фольклор композициясини мириқиб томоша қилиб, маданий ҳордиқ чиқаришди. Тадбирда Қозоғистон ўзбек этномаданият бирлашмаларининг “Дўстлик” ҳамжамияти раиси Икром Ҳошимжонов ва Шимкент шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Тоҳир Нишонбоевлар жамоага ижодий муваффақият тилади.

Шундан сўнг, театр мухлисларига Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг асарига асосида саҳналаштирилган “Ғайра-ғайра” спектакли намойиш этилди. Унга ўзбекистонлик Сайфиддин Мелиев режиссёрлик қилса, Сарвар Мирзаев саҳналаштирувчи расмоз вазиғасини бажарди.

Оилавий қадриятларни мустаҳкамлашга қа-



ратилган асарда кўтарилган масалалар ҳар бир томошабинни чуқур мушоҳадага чорлаши аниқ. Унда актёрларнинг томошабинлар билан яқин мулоқотда роль ижро этиши сергакликка даъват этади. Айниқса, Мاستон роллидаги Рустам Саидхўжаевнинг хатти-ҳаракатлари беихтиёр томошабин юзига табассум югуртиради...

Янги мавсумда театр жамоасига ижодий муваффақият тилаб, сиз азизларни театрга чорлаб қоламиз.

Хуршид ҚўЧҚОРОВ.



»» Тоza Қозоғистон

ОБОД ЮРТ ДОИМ
ФАРОВОНДИР

Сўзоқ туманининг барча кишлоқ ва аҳоли манзилларида “Бутунжаҳон тозалик кунини” бағишланган шанбалик ўтди.

Туман маркази Чўлоққўрғон кишлоғидаги 144та кўчада тозалик ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Шунингдек, тadbир иштирокчилари хиёбон ва ички кўчаларни тартибга келтиришди. “Шимкент-Сўзоқ” йўналишидаги йўл ҳамда айланма йўлнинг бўйи чиқиндилардан тозаланди. Кишлоқ ташқарисидagi ариқ ва анҳорлар ҳамда сув қувурлари ҳам таъмирланиб, кишлоқлар қиёғаси тубдан ўзгарди.

ЖЕТИСАЙДА ҲАМ УМУМХАЛҚ
ШАНБАЛИК ЎТДИ

Жетисай туманида Қозоғистон Республикаси Экология ва табиий захиралар вазирлигининг атроф-муҳитни тартибга келтириш ва назорат қилиш қўмитасининг топиширигига мувофиқ, “Бутунжаҳон тозалик кунини” доирасида умумхалқ шанбалик уюштирилди.

Унда давлат ва квазидавлат қорхоналари ходимлари ҳамда маҳаллий аҳоли – 1400га яқин тadbиркор ва кўнгилчилар иштирок этиб, 20та техника сафарбар қилинди.

– Бугунги кунда биз аҳоли билан учрашувлар ўтказиб, маҳалла қўмиталари раислари билан бирга тушунтириш ишларини олиб бораёмиз. Аҳоли кўп тўпланадиган жойларда варақа тарқатаёмиз. Кўчаларга видеокузатув камералари ўрнатилди, жамоат жойларини ифлослантираётган фуқароларга жарима солиномқда, – дейди туман уй-жой коммунал хўжалиги, йўловчилар транспорти, автомобиль йўллари ҳамда уй-жой нозирлиги бўлими раҳбари Берик Мамбетов.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

Директор – Бош муҳаррир
Райимжон Ортикбой ўғли
АЛИБОВЕВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ,
Авазхон БҮРОНБОВЕВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Саврон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22.

Кентов, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.

Қазигурт – Хуршид ҚўЧҚОРОВ. +7701-447-37-42.

Сайрам – Зокиржон МўМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90

Тулқибаш – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71.

Жетисай, Мақтаарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97

Келес, Саруогач – Малика ЭЛПОЕВА. +7702-841-78-82

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эғаси – «Жанубий Қозоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти» масъулияти чекланган биродарлиги.

● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, режиссёр ва эълон берувчилар масъулдир.
● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди, КҚ34ҒҮҮ0022503 сувоҳнома берилган.
«ERNUR-online» МЧБ Босмаҳонасида чоп этилди. Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.

Бюджет: 2352.

Нашр кўрсаткичи – 65466.

Адади – 11200 нусха.

Набатчи муҳаррир: Хуршид ҚўЧҚОРОВ.

МАНЗИЛИМИЗ:

160000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шоҳқўчаси, 6-уй, 3-қават.
Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66.

Электрон почта: janubiy@inbox.ru